



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 31 март, № 66 (7568)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида халқ бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий раёбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдорида бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласинлар.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 март

ФАРМОН ЛОЙИҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони лойиҳаси юзасидан ахборот берилди.

Лойиҳа давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПҚ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мантқиқий давоми ҳисобланади.

Хўжнат пандемиянинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган навбатдаги имтиёзлар, преференциялар ва бошқа муҳим чора-тадбирларни назарда тутди.

Президентимиз фармон лойиҳасига ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, озик-овқат, дори-дармон маҳсулотларини кўпайтириш ва нархлари ошишига йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари камийиб кетишининг олдини олиш, уларга қўшимча солиқ имтиёзлари тақдим этиш каби бир қатор аниқ чораларни киритиш зарурлиги ҳақида масъулларга топшириқ берди.

Фармон лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ў.А.

«Халқ сўзи» учун махсус

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТИНИ Қўллаб-қувватламоқда

Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат олиб бориб, хорижий давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни изчил ривожлантирмоқда. Кейинги уч йилда ташқи сиёсатда салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди ва халқро мулоқот жараёнида очиклиқ, фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатилаётди. Олий даражадаги мулоқотлар натижасида Россия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Германия, Франция, БАА ҳамда бошқа давлатлар билан муносабатлар янги bosқичга кўтарилди.

Расмий Тошкент БМТ ва унинг муас-сасалари, шу жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, ШХТ, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа етакчи нуфузли тузилмалар билан ўзаро ҳам-корлиқни ривожлантирмоқда, шу билан бирга, кўп томонлама тузилмаларга қўшилиш бўйича аниқ натижаларни қайд этяпти.

Марказий Осиё минтақасида ҳам-корлиқни чуқурлаштириш, жумладан, Афғонистонда барқарорлиқни таъмин-

лаш, етакчи хорижий давлатлар билан сармоявий ҳамкорлиқни фаоллашти-риш, нуфузли халқро молия инсти-тутлари билан шериклиқни чуқурлаш-тириш, шунингдек, чет элдаги ватан-дошлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар бугунги кунда ташқи сиёсатда устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Нуфузли хорижий экспертларнинг фикрига кўра, Ўзбекистондаги ўзгариш-лар минтақада рўй бераётган жараён-ларнинг асосий омили ҳисобланади.



Бугуннинг гапи

БОЗОРЛАРДА МАҲСУЛОТЛАР ТАНҚИСЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Юртимиз бозорлари ҳар доим тўкин бўлган. Бу маскандан йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, истаган маҳсулотингизни топа olasиз. Масалан, ҳозир айни баҳор бўлишига қарамасдан кундалик эҳтиёж учун муҳим бўлган картошка, пиез, сабзи каби маҳсулотлар танқислиги ёки нарх-навосида қимматлашув юз бергани йўқ. Бунда, табиийки, республикамиздаги мева-сабзавотчиликка иxtисослаштирилган 44 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Ўзбекистон Фермер, деҳқон ва то-морқа ер эгалари кенгаши вакили Беҳзод Ҳақназаровнинг айтишича, деҳқон бозор-ларида ташкил этилган савдо ярмаркала-рида улар томонидан турли кишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари етказиб берилаётгани қўл келмоқда.

Албатта, бугунги вазиятда ҳақиқий са-ховатпеша деҳқонлар, тадбиркорлар то-монидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу ўткинчи вазият-дан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаёт-ганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ бундай ҳолат-ларга йўл қўйилмайди. Бу борада мута-саддилар томонидан тегишли чора-тад-бирлар кўрилмоқда.



Маълумки, давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари олдига коронавирус инфек-циясига чалинган беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишни асосий вазифалардан бири сифатида қўйган эди. Ушбу даъват-дан руҳланиб, бор тажриба ва маҳорати-

ни ишга солаётган шифокорларимиз фи-дойилиги бир гуруҳ беморларимизнинг соғайишини таъминлади, десак муболаға бўлмайди.

Хасталиқдан фориг бўлган беморла-римизнинг ҳам қувончи чексиз. Улар

Президентимизга, фидойи шифокорла-римиз, шунингдек, коронавирус инфек-циясига қарши курашда ёрдам бераёт-ган барча инсонларга миннатдорлик билдиришмоқда, дуо қилишмоқда. Ушбу қувонч кўз ёшлари айни пайтда инфек-

ция тарқалиб кетишининг олдини олиш-да кеча-ю кундуз тинмай меҳнат қилаётган барча инсонлар фаолиятига юқори баҳо, миннатдорлик белгиси, десак, адашмаган бўламиз.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР Кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар билан бир қаторда, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофича муҳокама этилди. Энг муҳими, кўриб чиқилган барча масалаларга халқ вакиллари томонидан чуқур масъулият билан ёндашилди. Конструктив, қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди, асосли таклифлар ўртага ташланди.

Сиёсий партиялар маблағлари қандай сарфланяпти?

Мажлисида депутатлар дастлаб сиёсий партияларнинг 2019 йилда-ги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботла-рини эшитдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳисобот даврида барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини электоратни ташвишга со-лаётган долзарб масалаларни чуқур ўрганиш ва ижобий ҳал этиш йўлла-рини излашга қаратгани кўзга ташлан-ди. Бу, айниқса, сиёсий партиялар учун синов бўлган, “Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори остида парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган

сайловларда яққол намоён бўлди. Шу даврда сиёсий партиялар фракцияла-рининг парламентдаги роли ва таъси-ри ортди. Уларнинг тегишли вазирлик ва идоралар фаолияти устидан сама-рали парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш функ-циялари мустаҳкамланди.

“Сиёсий партияларни молия-лаштириш тўғрисида”ги Қонунга би-ноан, сиёсий партия Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонига мутаносиб равиш-да ўз устав фаолиятини молия-лаштириш учун давлат томонидан молиялаштириш маблағларини олиш ҳуқуқига эга.



Мушоҳада

ҚўЛИМИЗ ТОЗА, ҚАЛБИМИЗ-ЧИ?

... Ва нихоят дастлабки хушxabар!

Бу муҳда, ҳамма-ҳаммамиз кутаётган бу хушxabар ойнаи жаҳон орқали бутун мамлакатга таралди. Пандемияга қарши Президентимиз раҳбарлигида кўрилаётган чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Вирус юқтириб, даволанишга ётган беморлардан бир гуруҳи тузалиб, яна соғлом ҳаётга қайтди. Уларни ва уларнинг ҳалоскорлари бўлган фидойи шифокорларни соғлиқни сақлаш вазирининг ўзи гуллар билан қаршилаб, реабилитация марказларига кузатиб қўйди.

Ана шунинг ўзи мил-лион-миллион қалбларга қувонч олиб кирди. Ҳамюртларимиз қалбида бу офат тез орада ари-

шига ишонч пайдо бўлди. Бу илк натижа. Хотиржам бўлишга эса ҳали эрта.



КОРОНАВИРУС
бўйича маълумот:
дунёда
2020 йил 30 март ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони —
753 747 нафар,
касаликдан тузалганлар сони —
166 429 нафар,
вафот этганлар сони —
36 299 нафар.
Ўзбекистонда
2020 йил 30 март
соат 23.30 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони —
150 нафар,
тузалганлар **7** нафар,
вафот этганлар **2** нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



1 Мажлисда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли тобора кучайтирилиши улар фаолиятида молиявий интизомни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар тасарруфига Давлат бюджетидан келиб тушадиган маблағлар ҳаражатларини тўри режалаштириш, мақсадли сарфлашни тақозо этади.

Шу боис мажлисда айтиб ўтилганидек, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий ҳамда бошқа ресурслари уларнинг дастурий мақсад-вазифаларини амалда рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, мажлисда сиёсий партиялар томонидан 2019 йилда маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда уларга доир ҳисоботларнинг шаффоф ва очиқлиги қай даражада таъминлангани масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Депутатлар ушбу эшитув давомида билдирилган фикрларни инobatга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг ўтган йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбаларини тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Конун кун тартибидан нега чиқарилди?

Парламент куйи палатасининг 2020 йил 30 мартдаги мажлисида қизгин баҳс-мунозарага сабаб бўлган масалалардан бири — “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун юзасидан Олий Мажлис Сенатининг қабул қилган қарори бўлди.

Қайд этиш жоизки, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 24 октябрда қабул қилинган ушбу ҳужжат 2020 йил 28 февралда Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган.

Сенат масъул қўмитасининг ҳулосасида қайд этилишича, қонунда концептуал камчиликлар мавжуд.

Шу муносабат билан, мажлисда мазкур ҳужжат бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Олий Мажлис Сенатининг таклифига кўра келишув комиссияси тузилиши таклиф қилинди.

Ушбу таклиф муҳокамасида фаол қатнашган депутатлар, фракциялар аъзолари томонидан бир қатор фикр-мулоҳаза билдирилди, таклифлар илгари сурилди. Жумладан, депутатлар А. Қодиров, К. Эрназаров, Д. Аҳмедов, Н. Жумаев ва бошқалар қонун ташаббускорлари иштирокисиз қонун концепциясига ўзгартириш киритиш қанчалик тўғри бўлади, деган саволни ўртага ташлади. Комиссия таркибига киритилиши таклиф этилаётган номзодлар орасида халқаро тижорат арбитражи масалалари бўйича мутахассислар борми, деган савол кўтарилди.

Парламент куйи палатаси депутати Д. Аҳмедов Қонун ҳамда Сенат масъул қўмитасининг ҳулосаси ҳар томонлама ўрганиб чиқилганини, қонунни қайтариш ва икки палата ўртасида келишув комиссиясини тузиш бўйича ҳулоса қилинганини қайд этди. Лекин Сенат масъул қўмитасининг ҳулосасида аниқ таклифлар мавжуд эмаслиги, бундай ҳолатда тузилаётган келишув комиссияси вазифа нимадан иборат эканини аниқ англаши, бирор натижага эришиши қийинлигини таъкидлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан ўзининг қатъий нуктаи назарини билдирган депутат Н. Жумаев ушбу қонунда Сенат масъул қўмитасининг ҳулосасида келтирилганидан ҳам бошқа қўллаб масалаларни қайта қўриб чиқиш кераклигини айтди. Депутатнинг фикрича, қонунда аниқлаштирилиши лозим бўлган саволлар кўп. Шу билан бирга, юқори палата ҳулосасида келтирилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, қонуннинг такомиллаштирилиши унга яна қўллаб қўшимчалар киритишни тақозо этади. Натижада унинг концептуал асоси ва структурасини ўзгартиришга тўғри келади. Бунини қонун лойиҳаси ташаббускорининг рози-

лигисиз қилиш тўғри бўлмайди. Бундай мураккаб вазиятда эса бир тўхтамга келиш қийин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, куйи палата депутатлари қонун лойиҳаси ташаббускорининг қатъий позициясини билмай туриб, қолаверса, Сенатнинг аниқ таклифлари йўқлигини ҳисобга олиб, ушбу масалани мажлис кун тартибидан чиқаришни ҳамда Сенат томонидан аниқ таклифлар тақдим этилмагунча бу масалани муҳокама этмаслигини таклиф қилди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун мажлис кун тартибидан чиқарилди.

Дори воситалари келтирилиши тезлашади

Мажлисда “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда, бобма-боб муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 сентябрдаги “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасига киритилаётган нормалар юртимизда эпидемиологик ҳолатлар вужудга келган тақдирда хавфли юқумли касалликларнинг профилактикаси, даволаш, ташхисида қўлланиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тезроқ олиб келинишида муаммолар бўлаётгани амалдаги тартиботларнинг бекор қилиниши билан аҳамиятлидир.

Ҳамма гап шундаки, ўн йиллардан бери амал қилиб келлаётган тартиботга биноан, муайян янги дори воситаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва реализация қилиш учун жуда мураккаб келишув-синов жараёнини ўтати талаб этилади.

Эндиликда юртимизда эпидемиологик ҳолатлар вужудга келган тақдирда хавфли юқумли касалликларнинг профилактикаси учун қўлланиладиган дори воситалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат рўйхатида ўтказилмасдан олиб кирилади.

Депутатларнинг фикрича, лойиҳанинг қабул қилиниши кам учрайдиган касалликларни даволаш ва уларнинг ташхисида қўлланиладиган орфан тиббий буюмлар, ўта хавфли касалликлар профилактикаси учун дори воситалари ҳамда эпидемиологик фавкулда ҳолатлар вужудга келганда, соғлиқни

сақлаш тизимини юқумли касалликларнинг профилактикаси, даволаш, ташхис дори воситалари ва тиббий буюмлар билан ўз вақтида таъминлишининг имкониятини оширади.

Қонун лойиҳаси қизгин муҳокамалардан сўнг иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари устувор бўлиб қолаверади

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилишди.

Ушбу лойиҳа билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимлари ва судлар зиммасига гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидagi процессуал мажбуриятлар чоралари қўллагани ҳақида уларнинг оила аъзоларини ёхуд бошқа яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш мажбурияти юкланмоқда.

Шу билан бирга, шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ушлаб жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш, шунингдек, ҳимоячида воз кечиш ҳаракатларини, албатта, мажбурий тарзда видеоёзувга олиш мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, лойиҳада шахсни ушлаш жараёнида видеоёзув қўлланилган тақдирда, давлат органи ходими ушланган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносига олиб келганидан сўнг, унга ҳуқуқларини видеоёзувга қайд қилган ҳолда тушунтириши шартлигига оид қоида назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятининг шаклланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғимшай хизмат қиладиган идораларга айланишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ТОМОШАБИН БЎЛИБ ЭМАС, ТАШАББУС КЎРСАТИБ ИШЛАШИМИЗ ЛОЗИМ

Шиддат билан ўзгариб бораётган, турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги даврда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олишлари ҳамда баркамол бўлиб улгайишларига эътибор қаратиш ҳар бир миллат учун устувор вазифалардан бирига айланди.

Нуктаи назар

Давлатимиз раҳбарининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони доирасидаги вазифалар ижроси бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Жумладан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда фан ва таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида бир қатор янги чора-тадбирлар илгари сурилди. Масалан, унда шу йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабга таълим билан қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилишини таъминлаш ҳақида алоҳида банд киритилди.

Бугун мактабгача таълим аҳолини қийнаётган долзарб масалалардан биридир. Қарамоғида ёш болалари бор оналаримизнинг оғирини енгил қилишда болаларни боғчага қамраб олиш фойзининг қорилганлиги, албатта, эътиборга молик. Аҳамиятлиси, бу каби ижобий жиҳатлар таълимнинг кейинги босқичларида ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Хусусан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкломасини мақбуллаштириш, олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки баравар қисқартириш белгиланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган Мурожаатномасида қайд этганидек, навбатдаги ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат бюртмиси параметрлари босқичма-босқич икки баравар оширилмайдиган бўлди.

Бу борада қизларимиз учун алоҳида грант ўринлари ажратилиши аёллар ҳуқуқини ҳимоялашининг яна бир яққол ифодасидир. Қолаверса, 2020 йилда қандай 5 та олий таълим муассасасини конкур асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари қўрилиши, математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фойдаллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратилиши навқирон авлод бахту иқболи йўлидаги улкан интилишлардир.

Албатта, бунинг ёрқин далилини ҳам кўрдик. Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу борадаги мақсадларга тўхталар экан, ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Бугунги кунда ер қаърини геологик ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги 4 та му-

ассаса — Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Минерал ресурслар институти, Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти томонидан олиб борилади. Мазкур институтлар негизда яхлит мақмуа — замонавий Геология фанлари университетига тамал тоши қўйилгани эса унутилмас воқеа бўлди.

Давлатнинг исқобли кўп жиҳатдан етук кадрларга боғлиқ. Бу иббат талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Мамлакатимизда ушбу жиҳат ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Мисол учун, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда қандай турт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тахриб тарикасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилади. Бутун дунё таълим тизимида қўлланилаётган мазкур услуб, шубҳасиз, сифатли таълимни ташкил этишда муҳим омил бўлади.

Шундан келиб чиқиб, тегишли давлат идораларига масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ҳамда ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлашни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бундай имкониятларнинг барчаси эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ҳамда касб-хунарни пухта эгаллаган, ўз юрти, халқига фидойи фарзандлар вояга етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунини чуқур англаган ёшлар она Ватан равнақи йўлидаги юксак марраларга эришишда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқади.

Ҳужжатда белгиланган бошқа чора-тадбирларнинг ҳам халқимиз ҳаётида тутган ўрни низоҳятда қатта. Бу ҳақда яна кўп гапириш мумкин. Энг асосийси, амалга оширилаётган ислохотларда барчамиз дахлдор эканлигимизни ҳис этиб меҳнат қилишимиз, четда томошабин бўлиб эмас, аксинча, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз лозим. Зеро, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат ва ислохотлар инсон манфаатига хизмат қилади.

Робохон МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон учун Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олиш мақсадга мувофиқ

Ўзбекистон Экологик партияси ўз фаолиятида “Биз келажак учун жавобгармиз” деган сўзларни асосий шиор сифатида белгилаб, мамлакатда барқарор ривожланиш, аҳоли турмуш тарзи ва санолатлиги сифатини ошириш, экологик хавфсизликка эришиш, атроф-муҳитни яхшилаш, табиий бойликларни ҳозирги ҳамда келажак авлодларга етказишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириб келмоқда.

Депутат фикри

Экологик партиянинг устувор йўналишларидан бири — бу экологик муаммолар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экопартия фракцияси куйи палата Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигини ўрганиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорини ўз вақтидаги сая-ҳаракат, деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Ушбу мақсадларга эришиш учун халқаро иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда жаҳон бозорига интеграция жараёнини тезлаштириш зарур.

Шу билан бирга, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликнинг миллий иқтисодиётга таъсирини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, унинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқбол-

да миллий иқтисодиёт ривожланишидаги устуворликлар билан боғлиқлигини ўрганиш, жамиятнинг турли соҳалари учун ҳамкорликнинг ижобий ва салбий оқибатларини англаш зарур.

Ушбу масала партия Марказий Кенгаши пленумида муҳокама қилинди. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлиқнинг барча жиҳатини чуқур ўрганиши учун ишчи гуруҳ тузиш ва унга ушбу масала юзасидан махсус иш режасини ишлаб чиқиш вазифасини юкланган қарор қилинди.

Шу билан бирга, ушбу масалага янада кенг қамровли ва мувозанатли ёндашув зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ҳамкорлик дастлаб Ўзбекистон учун Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракция раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашида жорий йилнинг 26 март куни бўлган навбатдаги ййгилишда Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорликка оид масалалар кўриб чиқилди. Иқтисодиётимизни соғломлаштириш ва тараққий эттириш учун халқаро иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва дунёда глобаллашув кучайган бир даврда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларини тўлиқ таҳлил қилиб, баҳо бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Долзарб мавзу

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ЕОИИ — 2014 йилда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган халқаро ташкилотдир. Шунингдек, бу иттифоққа 2015 йилда Арманистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси аъзо бўлиб қирган, 2018 йилдан эътиборан Молдова кузатувчи мақомига эга.

ЕОИИнинг мақсади — аъзо давлатлар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш борасида барқарор ривожланиш учун шартлоллар яратиш, ЕОИИ доирасида товарлар, хизматлар, капитал ва иш ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга ҳаракат қилиш, глобал иқтисодиёт шариотида миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардорлигини ошириш, ҳар томонлама модернизациялаш ва ўзаро кооперацияни ривожлантиришидир.

ЕОИИнинг иқтисодий ташкилот эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу жиҳат ЕОИИга аъзо давлатлар суверенитетига таъсир этмаслиги, давлатларнинг бири томонидан бошқасига ҳатто иқтисодий тайиқ ўтказишлиги мумкин эмаслиги равшан деб, қараш лозим. ЕОИИнинг асосий мақсади ўзаро манфаатдорликдан иборат бўлса, шубҳасиз, унга кузатувчи-давлат сифатида қўшилиш масаласини му-

ҳокама қилиш ўринлидир. Фикримизча, ЕОИИ Ўзбекистоннинг аъзо бўлишидан манфа-

Ўзбекистон ва ЕОИИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

атдордир. Чунки бу тадбир ташкилотнинг нуфузини оширади. Ўзбекистондек салмоқли ва Урта Осиёдаги етакчи давлатнинг қўшилиши ЕОИИ учун кейинги йилларда рўй берган энг катта воқеа бўлади.

Ўзбекистон учун ЕОИИга аъзо бўлиш қандай ижобий ва салбий натижаларга олиб келиши мумкинлиги чуқур мулоҳаза, теран фикр ва муҳокама талаб этади. Шу ўрнида баъзи фикрларимизни билдиришни лозим топдик. Дастлаб, бўлиши мумкин бўлган ижобий ҳолатларга эътибор қаратайлик:

— Ўзбекистонда аҳолининг 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган қатлами зичлиги бошқа аъзо мамлакатларга нисбатан юқори эканлиги сабабли меҳнат миграциясида сезиларли даражада ижобий ҳолат содир бўлади. Минглаб мигрантлар тўлақонли ишчига айланишларига имкон туғилади;

— Ўзбекистон аҳолисига хос

бўлган меҳнатсеварлик ва тадбиркорлиқни тўла амалга ошириш ҳудуди кенгайди;

— мамлакатда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун зарур бўлган инвестиция манбаси вужудга келади;

— ЕОИИга аъзо давлатлар иқтисодий тизимлари уйғунлиги ривожланиш учун асос бўла олади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ташки савдо айланмасида ЕОИИ давлатларининг улуши 2/3 қисмни ташкил этиши мамлакатимизни

ЕОИИ билан муносабатларни йўлга қўйишга ундайди.

ЕОИИ Вьетнам, Хитой, Эрон, Сингапур каби ўнлаб давлатлар билан эркин савдо келишувлари имзолаган бўлиб, бу мазкур давлатлар билан ягона ташқи савдо сиёсатини амалга оширилишини ифодалайди.

Интернет маълумотларига кўра, айни кунда ЕОИИ жойлашган ҳудуд майдони жиҳатидан дунёда биринчи бўлса, аҳоли сони бўйича 8 (ҳозирги кунда 184 млн.дан иборат) ва ЯИМ ҳажми бўйича эса 10-ўринда қайд этилмоқда.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо мамлакат сифатида қўшилиши муайян масалаларни келтириб чиқариши мумкин:

биринчидан, импорт қилинувчи маҳсулотларнинг нархи тушуши натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ўрнини сақлаб қолиши қийинлашади. Айниқса, монопол хусусиятга эга бўлган тармоқларнинг

бозордаги ўрни хавф остида қолади. Шу билан бирга, ЕОИИ доирасида умумий божхона тарифлари ўрнатилиши ортидан баъзи товарларнинг қимматлашиши юзага келиши мумкин;

иккинчидан, ишчи кучининг чиқиб кетиши янада жадаллашади. Хусусан, Ўзбекистон ва ЕОИИнинг йирик иқтисодиётлари ўртасида иш ҳақи ҳажми бўйича сезиларли тафовутлар борлиги туфайли мамлакатимизда ишчи кучининг хорижга қўчиши

юзага келади. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчиларга меҳнатга ҳақ тўлашини қимматлашувига олиб келиши мумкин.

Мазкур мамлакатлар ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи трансмиллий компанияларнинг иқтисодий сиёсатидаги бир хил қилиш юзага келиши ортидан мамлакатимизда уларнинг фаолияти нобарқарорлашувиға сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатларида ўз маҳсулотлари билан кириб боришида 184 млн.га яқин истеъмолчи мавжуд бозорларга нотариф тўсиқларсиз кириш имкони яратилади.

Таъкидлаш жоизки, миллий товар-маҳсулотларимизни ЕОИИ ҳудуди бўйлаб эркин сота олиш имкони пайдо бўлиши ва бизга аъзо мамлакатлар маҳсулотларининг эркин кириб келиши билан белгиланади. Бу масала ҳам мураккаб. Тўғри мамлакатимиз

ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг барчаси билан икки томонлама ўзаро манфаатли келишув ва битимларга эга. Аслида эса ЕОИИга аъзо мамлакатлар биз билан ўзаро икки томонлама муносабатларда ўз ички талабларидан ташқарига ҳеч қачон чиқибмайди. ЕОИИ манфаатлари хамиша устувордир. Ўз-ўзидан маълумки, асосий устуворлик аъзо мамлакатлар маҳсулотларига нисбатан қўлланилади.

Бизнинг маҳсулотларимизга эътибор даражаси нисбатан паст бўлади. Шунини ҳам қайд этиш лозимки, ЕОИИ ҳудудида маҳсулотларига (маркировка, сифат, санитария нормалари ва бошқалар) нисбатан бўлган алоҳида меъёрлар тизими ишлаб чиқилган. Бу ва шу каби бошқа талаблар турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида турли сифат ўзгаришларни киритишни талаб этади. Юқорида тўхталиб ўтилганидек, монопол деб ҳисобланадиган айрим тармоқларнинг фаолияти ҳам мураккаб ҳолатда қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Эҳтимол, бизга ҳам менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнларини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартириш даври етиб келгандир.

Шу каби муаммоларнинг бир нечтасини санаб ўтдик ҳолос. Нима бўлганда ҳам, шубҳасиз, Ўзбекистон ЕОИИга кузатувчи давлат сифатида ҳамкорлик қиладиган бўлса, ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб келади. Биз учун, энг асосий

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Бир неча йил олдин Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар бир қадар мураккаб кечгани ҳеч кимга сир эмас. Давлатлараро муносабатларда кескинлик мавжуд бўлиб, мамлакатлар бир-бирига нисбатан турли даъволарни илгари сурарди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистоннинг янги сиёсати тўғайли вазият ўзгарди. Буни минтақадаги ва хорижий экспертлар ҳамжамияти ҳам қайд этади. Бугунги кунда мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари сабаб иқтисодиёт, хавфсизлик, гуманитар ҳамкорлик бўйича минтақавий шерикликда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Германиялик таниқли мутахассис, **ГФР Ташқи сиёсат кенгашининг “Россия — Евроосиё” маркази директори ва “Валдай” клуби аъзоси Александр Рар** Марказий Осиёдаги вазиятни тинч, деб баҳолайди ва унинг келажигига некинлик билан қарайди.

— Менимча, энг муҳими, Марказий Осиё кўп қутбли дунёни барпо этиш жараёнида минтақа сифатидаги ўз ўрнини йўқотмайди, — дейди у. — Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва ушбу сиёсатни амалга ошираётган дипломатлар

хизматидир. Ўзбекистон олдида келажак авлодлар учун истикболда барқарорликни таъминлаш вазифаси турибди.

Испаниянинг Евроосиё ва Россияни ўрганиш маркази раҳбари Фернандо Морагон Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига қуйидагича баҳо беради:

— Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг миллий манфаатларини моҳирона ва ғайрат билан илгари сурадиган прагматик раҳбардир, — дейди Фернандо Морагон. — У ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида, биринчи навбатда, Марказий Осиё ва қўшни давлатлар билан шериклик алоқаларини ривожлантиришни белгилаб берди. Расмий Тошкент сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Тожикистон билан муаммолар мавжудлигига қарамасдан ўзаро муносабатларни яхшилаб, янги минтақавий йўналиш самарадорлигини намойиш этди.

Матиас Рёслер, Саксония Федерал ўлкаси Ландтаги (парламенти) президенти:

— Ўзбекистон минтақавий ҳамкорлик-

нинг локомотивига айланди. Шавкат Мирзиёев кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, мамлакатни дунёга қайтадан очди.

Беате Эшмент, Шарқий Европа ва халқаро тадқиқотлар марказининг етакчи тадқиқотчиси (ZoIS), “Zentralasien-Analysen” (Германия) наشري муҳаррири:

— Бир неча йил олдин ҳеч ким минтақа давлатлари ўртасида бундай ҳамкорликнинг пайдо бўлишини тахмин қила олмасди. Сўнгги йилларда таҳдид сифатида қўрилган Афғонистон хозирги пайтда имкониятлар мамлакатни сифатида қабул қилиниши муҳим жиҳатлардан биридир. Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи Маслаҳат учрашувида минтақа давлатлари раҳбарлари Афғонистонни минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш учун барча имкониятларни ишга солишини таъкидлади. Бу яқуний қўшма баёнотда ўз тасдигини топди.

БМТ Бош Ассамблеясининг учта муҳим ҳужжати — “Марказий Осиё минтақа-

сида тинчлик, барқарорлик ва изчил тарққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”, “Маърифат ва диний бағрикенглик” ҳамда “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” каби резолюцияларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари халқаро миқёсда муваффақиятли амалга оширилаётганини тасдиқлайди.

Ушбу воқеани шарҳлар экан, **Туркиянинг “Sahipkiran” (SASAM) стратегик тадқиқотлар маркази директори Сулаймон Эрдем** Ўзбекистон ушбу ташаббусларни ўз вақтида амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қодирлигини намойиш этганини таъкидлайди.

— Ҳужжатлар глобал ташкилот сессияларида қабул қилингани, биринчидан, ўзбек дипломатиясининг муваффақияти, иккинчидан, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ролини кучайтиришнинг ижобий динамикаси, учинчидан, тинчликпарвар диний бағрикенглик ғояларининг глобал миқёсда тарқалишига ёрдам беради, — дейди у.

«Дунё» АА.

ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, ХАЛҚИМИЗ, ОТА-ОНАЛАРИМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛИФИ ЙЎЛИДА ТУНУ КҮН ҚИЛАЁТГАН МЕҲНАТИ БАРЧАМИЗ УЧУН ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Энг муҳими, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига бевосита Президентимиз ташаббуси билан алоҳида эътибор қаратилгани коронавирус балосига қарши самарали курашиш учун замин яратди. Эндиликда эса

коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларимизнинг соғайиб кетишларида муҳим аҳамиятга эга.

14 кун давомида коронавирус инфекциясига қарши кураш олиб борган бир гуруҳ тиббиёт ходим-

қадалган. Улкан масъулиятни чуқур ҳис этган тиббиёт ходимлари жасорат ва шижоат билан коронавирус балосига қарши курашишга киришдилар ва самарали натижаларга ҳам эришмоқдалар. Шундай юз минглаб фидойи касб эгалари сафида юртимиз тиббиёт ходимлари ҳам борлиги барчамизни қувонтиради.

Кўни кеча Вирусология илмий текшириш институти клиникасининг коронавирус инфекциясига қарши қаҳрамонларча курашган бир гуруҳ тиббиёт ходимлари юксак эҳтирон билан кузатилди. Эндиликда уларнинг ўрнида навбатдаги тиббиёт ходимлари фаолият бошлади.

Президентимиз коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган қатор видеоселектор йиғилишларида, икки марта халқимизга йўллаган мурожаатига ҳам шифокорларимиз меҳнатига алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан улар фаолиятига юқори баҳо берилиб, “Дунё

Хадича ШАҲОБОВА, коронавирусдан шифо топган юртдошимиз:

— Бугун ҳаётимда худаям қувончи кун. Бизни ўйлаб, барча шароитни яратиб бергани учун Президентимизга раҳмат айтаман. Шифокорларимизга чексиз миннатдорлигимизни билдираман. Улар бизни фақат дорилар билан эмас, ширин сўз билан ҳам даволашди. Бошқа беморлар ҳам тезроқ тузалиб, oilаси бағрига эсон-омон етиб олишсин.

Бу касаллик юртимиздан тезроқ арисин. Ҳар бир юртдошимиз карантин қоидаларига риоя қилиб юрса, бу касаллик устидан ғалаба қозонамиз.

бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиги йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда”, дея ўз ҳаёти ва соғлигини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдиргани ҳам бежиз эмас. Шунингдек, Юртбошимизнинг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига қўра, коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан

мулоқотда бўлган, беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланади.

Яна бир эътиборли жиҳати, халқимиз ҳам тиббиёт ходимлари ва коронавирус инфекциясига қарши курашда фаол меҳнат қилаётган инсонлардан ўз меҳрини аямапти, қўллаб-қувватлашмоқда. Ушбу юксак эҳтирон коронавирус инфекциясига қарши мардона курашаётган қаҳрамон шифокорларимиз учун улкан рағбат ва куч бўлиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

СИНОВЛАРДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ЎТИБ ОЛАМИЗ

Бунинг учун карантин қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Хозирги кунда коронавирус инфекцияси (COVID-19) жаҳон миқёсида энг глобал муаммо бўлиб турибди. Мамлакатимизда ҳам бу инфекция тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу мақсадда қатъий карантин белгиланади.

Акс садо

Мактаб, боғча, олий таълим муассасаларида таътил берилди. Айни чоғда одамлар кўп йиғиладиган маросимларни чеклаш бўйича бир қанча қарорлар қабул қилинди. Яна қатор талабалар...

Ҳўш, бу ким учун ва нима учун керак? Аввало, карантин даврида уйдан чиқмаслик вирус тарқалишининг олдини олишда асосий омиллардан бири эканлигини доимо ёдда тутишимиз керак. Қолаверса, бу вазиятда оила даврасида бўлиб, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси билан кўпроқ шуғулланиш имконига эгамиз.

Ақсарият юртдошларимиз бунга тўлиқ амал қилмоқда. Аммо беҳ кўл баробар эмас. Гарчи, карантин қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик кучайтирилган бўлишига қарамасдан аҳоли орасида бу чора-тадбирларни жиддий қабул қилмаётган ва карантин қоидаларини бузаётган қўллаб-шашлар учраётгани кишини ташвишга солади. Масалан, биргина Тошкент вилоятининг ўзида 859 нафар фуқаро карантин қоидаларига риоя этмагани учун жавобгарликка тортилди.

Қўрилаётган бу чора-тадбирларнинг барчаси халқимизнинг соғлигини сақлаш, бу синовли кунлардан омон-эсон ўтиб олиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар эканлигини тушуниш, наҳотки, шунчалик қийин бўлса?!

Яна бир гап: хозиргидек мураккаб шароитда ваҳима қилмасдан, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлсак, саломатлигимиз йўлида тиним билмай хизмат қилаётган барча соҳа ходимлари, шу жумладан, шифокорларимизни қўллаб-қувватласак, санитария-гигиена қоидаларига амал қилсак, албатта, ушбу синовлардан ҳам ёруғ юз билан ўтиб оламиз.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҚЎЛИМИЗ ТОЗА, ҚАЛБИМИЗ-ЧИ?

Коронавирусни юқтириб олганлар сони, афсуски, ошиб борапти. Республикамизда пандемияни даф қилиш учун барча чора-тадбирлар қўриляпти. Бу йўлда ҳамма-ҳамма имкониятлар ишга солиняпти. Бугун бутун мамлакат оёққа турган. Шаҳару кентларимиз карантин ҳолатида. Телевизорда, бошқа оммавий ахборот воситаларида раҳбарлар, жамоат арбоблари, шифокорларимиз вирусни юқтириб олмаслик учун нималарга риоя қилишимиз ҳақида куну тун оғохлантирмоқда. Барча-барчамизни бу йўлда бирдамликка, ҳамжихатликка қорламоқда.

Кеча таниқли ижодкорларимиздан бири телевидеидадаги чиқишида “бу ҳам халқимиз бошига тушган бир синов, бир имтиҳон. Ҳаммамиз бугун имтиҳондамыз”, деди.

Ҳақ гап. Бу имтиҳондан омон-эсон, ёруғ юз билан ўтиш, хавфни аритиш халқимизнинг вазиятга онгли муносабатиға, амалдаги тартиб-интизомга, нечоғли риоя қилишига, маданиятига, ахлоқига, иш тутумига, имон-этикоди ва сабр-тоқатиға кўп жиҳатдан боғлиқ.

Сирасини айтганда, кимнинг қандайлиги худди шундай пайтларда билинади.

Муқаддас китобларимизда зикр қилинганидек, инсон беморлик вақтида, уруш, душманлар билан тўқнашув пайтида машаққатларга учраши табий ҳол. Шундай пайтларда сабр қилиш лозим бўлади. Сабр қилувчилар яхшилик соҳиблари, имонли кишилар ҳисобланади.

Умрни эса фақатгина яхшилик бе-зайди, яхшилик зиёда қилади.

Халқимиз орасида яхшиликни ўзига касб қилиб олган, ҳамма-ҳаммага эзгулик соғиниб яшайдиган имон-этиқодли, саховатли, мард ва фидойи инсонлар жуда кўп. Наманганлик бир тадбиркор эпидемияга қарши кураш республика жамғармасига 135 миллион сўм маблағ ўтказди. Тошкентлик

яна бир саховатли инсон ўзи тиклаган кўп қаватли мухташам бинони шифокорлар ихтиёрига ўз хоҳиши билан топширди... Бугун қанчадан-қанча шифокорларимиз жасорат ва матонат билан ўз ширин жонларини хавф осига қўйиб бўлса-да, кунни кун, тушни тун демай, беморлар қошида сергак туришибди, касалликка қарши курашаётган. Президентимиз бундай замондошларимизни жанг майдонидаги жангчиларга, қаҳрамонларга қиёслаб, уларни моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш юзасидан алоҳида қарор қабул қилди.

Қўли енгил шифокорларимиз шунга лойиқ.

Улар бугунги кун — замонамиз қаҳрамонларидир.

Мутахассислар қайд этишича, ушбу хавfli вирус қўллар орқали юқади. Шунинг учун ҳам шифокорлар қўлларимизни ҳар кун би неча мартадан совунлаб ювишга даъват этишмоқда. Бизга олдин, барча-барчани қўлни ювишдан қолди, энг аввало, қўнblарини ювиб олишга қорлаган бўлардик. Англаб турибсиз, азиз газетхон, афсусдан бўлсинки, халқ бошига иш тушган шундай кунларда айрим имони суст, инсофи йўқ кимсалар ҳам учраб турибди. “Тадбиркор” никоби остидаги бундай каслар — олибсотарлар бозорларимизда оддий одамлар кўнглига гулув солиб, нарх-навони сунъий равишда ошириб юбормоқдалар. Баъзи жойларда гараз ниятли кимсалар бор нарсани ҳам дўконга келтирмай ёки дўкон пештахтасига қўймай, сунъий тақчилликни юзага келтириб, оддий одамларни қийин аҳволга солиб қўймоқдалар. Бу билан халқ орасида турли ваҳима, шов-шувларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлмоқдалар.

Натижада гоҳида ун, гоҳида картош-ка тақчиллиги ҳақида миш-мишлар тарқалаяпти. Ваҳолонки, раҳбарларимиз “озик-овқат захирамиз етарли” деб қайта-қайта таъкидлашяпти. Ҳақиқатан шундай. Дунёда озик-овқат

хавфсизлиги таъминланган давлатлар рўйхатида турамыз. Ҳар йили миллион-миллион тонна бугдой, картошқа етиштирамыз.

Бундай вазият раҳбар ва мутасаддилардан ҳам юз чандон кўпроқ масъулият талаб қилади. Улар шу синовли кунларда халқнинг ичига кириб, бозорлар, дўконларни оралаб, муаммоларни бартараф этишмаса, одамлар оғирини енгил қилишмаса... Бундан-да бошқа яна қандай зарур ишлари, юмушлари бўлиши мумкин? Бугун қуйи тизимдаги катта-ю кичик раҳбарлар куруқ сафсатадан, ўринли-ўринсиз махлисбозликлардан, қорғозбозликлардан, расмиятчиликлардан воз кечиб, чин юракдан, халқни деб, халқни деб соф қалб, чин виждон билан жон қойитиб ишлашлари керак.

Кун келади, коронавирус чекинади. Патарат топади. Бунга шубҳа йўқ. Биз бунга қодирмыз. Бугун ҳаммамизнинг саъй-ҳаракатимиз шунга, одамлар қалбига гулув солиб турган ана шу хавfli тизроқ бартараф этишга қаратилган. Оталаримиз, оналаримиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз, фарзанду набираларимиз — ҳаммамиз уйдимиз. Белгиланган қоидаларга риоя қилишга бор вужудимиз билан ҳаракат қиляпмиз. Ўрни келганда ҳануз тақма-қўйда беҳуда, боз устига, никоб тақмай юрган баъзиларни оғохлантиришга ҳам ўзимизда куч топяпмиз.

Бугун шундай ҳамжихатлик зарур. Бирдамлик зарур. Биз бутун улдасидан чиқяпмиз, чиқамиз ҳам. Бу кунлар ҳадемай ўтиб кетади. Яна ҳаёт ўз изига тушади. Яна яхши кунлар, тўй-тантаналар бошланади. Ана ўша кунларда бир-биримизга ёруғ юз билан боқишимиз учун ҳам бугун тоза қўл, тоза қалб, соф виждон билан, имон-этиқод билан ишлашимиз, ўз бурчимизни чин дилдан, шахду шиддат билан бажаришимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам, бугун шиддат даври, шижоат даври.

«Халқ сўзи».

Ўғит

Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш, хусусан, йилдан-йилга пайдо бўлаётган юқумли касалликлар, эпидемиялар, айнакча, кейинги пайтда бутун дунёда авж олган коронавирус инфекциясини бартараф этиш инсоният олдидаги долзарб масалага айланади. Афсуски, бу касаллик юртимизга ҳам кириб келди. Президентимиз томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, хавfli вируснинг аҳоли орасида кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш бўйича қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Абу Али ибн Сино: саломатликни сақлаш борасида етти қараш

Бугун ҳар биримиздан соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари тавсия ва кўрсатмаларига қатъий амал қилиш, ўз саломатлигимизга бефарқ бўлмаслик талаб этиляпти. Бу борада озодаликка, саришталикка, шахсий гигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилишда азалий қадриятларимиз, буюк боболаримизнинг ўғит ва кўрсатмалари ҳам ниҳоятда аҳамиятли.

Жумладан, номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган энциклопедик олим Абу Али ибн Синонинг қарашлари инсон саломатлигини сақлаш билан боғлиқ бугунги қўллаб муаммоларга ечим бўла олади. Буюк аждодимизнинг “Тиб қонунлари”, “Саломатликни сақлаш ҳақида ёзилган уржуза”, “Тўрт фаслга оид тиббий уржуза”, “Сафарда бўладиганларнинг тадбири ҳақида рисола”, “Аскар манзилгоҳини тузатиш тадбири ҳақида”, “Саломатликни сақлаш ҳақида рисола” ва бошқа қўллаб асарларида соғлиқни сақлашда ҳар биримиз қатор омилларга эътиборли бўлишимиз таъкидланган.

1 Турли-туман хатолардан сақланиш. “Саломатликка зид бўлган барча зарарли нарсалардан сақланиш инсонни турли хатолардан асрайди”.

2 Тоза ҳаво. “Эсиб турган ҳаводан нафас олиб, юракни ва руҳни елпиб туриш билан ҳаёт барқарордир, агар оз фурсат нафас олинмаса, юрак қизиб, руҳ қуйиб, ҳалокат келади”.

3 “Маъқул (овқат) ва машруф (ичимлик). Албатта, инсон емоқ ва ичмоқ билан тирлиқди, баданда парчаланиб йўқотилган намлик, қувват ва руҳлар ўрни янги озиқ моддаларни ҳисобидан тўлдириб турилмаса, ҳаёт боқиб бўлмайди”.

4 Уйку ва бедорлик. “Бедорлик бўлмагунча ҳаётий эҳтиёж қондирилмайди. Лекин бедорликнинг кўп давом этиши нафс аҳволининг ташвишига, тартибсизлигига, руҳнинг эриб, парчаланиб кетишига, баданнинг муқаррар ҳалокати ва йўқ бўлишига сабабчиدير. Бинобарин, уйкуга катта эҳтиёж бордир, бедорликнинг ҳаракати ва ҳарорати билан руҳнинг қисмларидан қанчаси сарфланса, унинг ўрни уйкуда ҳосил бўлган руҳ эвазига тўлади”.

5 Ҳаракат ва сокинлик. “Зарарли нарсадан сақланмоқ, фойдали нарсани талаб қилмоқ, ҳаёт моддаси бўлган озиққа эга бўлмоқ — буларнинг ҳаммаси ҳаракатга тегишлидир, гарийзий (табiiий) ҳарорат баданга кирган нарсага таъсир қилишга машғул бўлгани каби инсон ҳам ҳаракатга эҳтиёж сезади. Бу ҳолат доимий бўлгани учун табiiий ҳароратда чарқок пайдо бўлиб, бадан ўзидаги фазла (чиқинди)ларни парчалашга ожизланиб қолади. Ҳар қуни фазланинг оз-оз парчаланиб йўқолмай, зиёда бўлиши, бир неча вақтдан сўнг унинг баданда кўп миқдорда тўпланишига сабаб бўлади. Натижада табiiий ҳароратдан ғолиб чиқиб, уни совилади ва йўқ қилади. Шу сабабли ҳаёт инқирозга учрайди ва тугайди. Шунинг учун, инсонга ҳаракат зарурдир, баданда зиёда қолган фазлани парчалаб йўқотишда ҳаракат воситасида ҳосил бўлган ҳарорат табiiий ҳароратга қўмақлашади. Шу билан баданнинг меъёрий ҳаёти муҳофазаланади.

Инсоннинг сокинлик эҳтиёжи шундаки, агар ҳаракати доимий бўлса, баданнинг асл намлиги тўла парчаланиб, йўқ бўлади, асло намлик ҳосил бўлмайди. Шу сабабли табiiий ҳарорат йўқ бўлиб, ҳаёт йўқолади. Демак, инсон сокинликка ҳам муҳтождир”.

6 “Истифроғ ва ихтибос, яъни фазла (ортиқча нарса)ни танадан чиқариш ва тана эҳтиёжи учун зарур нарсани сақлашдир. Чунки баданнинг боқийлиги озиқсиз мавжуд бўлолмайди. Ҳамма озиқнинг узв (аъзо) жавҳари бўлиши ҳам қийиндир. Ҳар бир ҳазмда бир миқдор фазланинг қолиши табiiийдир. Агар у бадандан чиқмасдан қолса, фосид бўлади, яъни бузилади, айнийди, чирийди. Унга бориб қўшилган озуқани ҳам фосид қилади. Уни танадан чиқариш зарурдир. Ва, инчунин, бадан баданда доим парчаланиш асосида тозаланади ва уни озиқ жавҳари билан тўлдириб боради. Парчаланиш доимий ва тўхтовсиз давом этади. Аммо доим ва чексиз озиқ тановули ҳам маҳоллик (қийинлик) тугдиради. Аъзода озиқ жавҳарининг бутунлай парчаланиши ва йўқ бўлишдан сақлаб турмоққа инсон муҳтождир. Аниқ бўлдики, инсон ҳам истифроғ, ҳам ихтибос учун муҳтождир”.

7 “Зарурий нарса аворизи нафсоний (руҳий аломатлар), яъни қаҳр-ғазаб, шодлик, кўркув, ғам-андух ва қўнгли ғашлик. Маълумки, аслида инсон нафс бўлиб, ҳоким ўрнидадир ва бадан эса нафсонинг макони, гуё ул ҳокимнинг мамлакатидир. Ҳокимнинг вазифаси доим ўз мамлакатини обод қилмоқ ва фойдали нарсаларни унда ижод қилмоқ ва зарарли нарсани мамлакатдан даф қилмоқлик бўлгани каби нафс ҳам доим баданга фойдали нарсани катта хоҳиш ва шавқ билан қабул қилиш ҳамда зарарли нарсани бадандан даф қилиш учун доим ҳаракатда бўлади”.

Улуғ ҳаким Ибн Синонинг бу каби кўрсатма ва маслаҳатларига амал қилган кишининг иммунитети мустаҳкам, ҳар хил вирусларни юқтириб олишдан холи бўлади. Дори воситаларига эҳтиёж сезмай, ҳаётини соғлиқ ва саломатликка ўтказади.

Нозимхон МАҲМУДОВ, Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи.

ШИФОКОРЛАР ЖАНГ МАЙДОНИДА

Юз минг дўхтир сафарбардир.
Юз минг дўхтир!
Нокасларга балки бунинг фарқи йўқдир.
Кимга бунинг фарқи йўқдир —
қалби йўқдир.
Улар ўйлар: бизга бунинг
хавфи йўқдир.
Юз минг дўхтир сафарбардир.
Юз минг дўхтир!

Президент айтди у кун:
Мамлакатлар,
Ман-ман деган мамлакатлар,
эллар, халқлар,
Чора топмай, даво топмай,
тўкиб ашқлар,
То бизни ҳам маҳв этмай
бу хавфу хатар —
Юз минг дўхтир сафарбардир.
Юз минг лашкар!

Биз шунчаки бир халқ бўлиб
юрмаганмиз,
Не-не жабру ситамларни
кўрмаганмиз.
Бекор ўзни ўтга-чўнга
урмаганмиз,
Хар беморнинг юз-кўзида
ишонч балқар,
Тирикликдан токи умид —
нишон балқар.
Юз минг дўхтир жангга қирар.
Юз минг лашкар!

Не-не доноларни берган чексиз диёр,
Ибн Синоларни берган тенгсиз диёр.
Жамлаб жами жадвал,
тартиб-қонунларин,
Одамзодга бахш этган
"Тиб қонунларин".



Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.

Билгай буни Париж, Румо,
Хинду Қашқар,
Юз минг дўхтир жангга қирар.
Юз минг лашкар!
Шу қадим юрт — ота-бобонг маконидир,
Букун миллат соғлиги —
жанг майдонидир.
Зое кетмас аждодларнинг таълимлари,
Эй элимнинг, Сиз Луқмони
ҳақимлари!
Шаштингиздан юз минг жону
дилим қалқар —
Юз минг дўхтир жангга қирар.
Юз минг лашкар!

Юз минг лашкар, яна шунча
дову дастга,
Миллён-миллён қўлқоплару
ниқоб-маска.
Жангчилардай сафарбардир,
шифокорлар,

Шифокорлар — садоқатли фидокорлар.
Сариштакор фаришталар — ҳамширалар,
Ҳамширалар — фаришталар пари пайкар,
Юз минг лашкар жангга қирар.
Юз минг лашкар!

Бутун дунё букун буюк
жанггоҳ эрур.
Голиб улдир — қай эл ҳушёр,
огоҳ эрур.
Замин узра одамзод хор,
уюм-уюм,
Рўйи Замин — сенинг уйинг,
менинг уйим.
Битсам агар шеърга тўлар
юз минг дафтар,
Юз минг лашкар жангга қирар,
Юз минг лашкар!

Йиғиштирдик не дабдаба, асъасадир,
Виждон бизга бугун қурол-аслаҳадир.
Бепарволик — хиёнатдир миллат учун,
Халқу Ватан миллат бўлар кундир букун.

Фосиқ каслар фаҳм этмай
бошин қашлар,
Юз минг аскар жангга қирар.
Юз минг лашкар!

Ўз жонингиз қўйиб хавфу хатарларга,
Сиз кирдингиз жиддий жангу жадалларга.
Яратгандан бордир менинг
сўроларим:
Соғ бўлсинлар, омон бўлсин беморларим,
Беморларим узра Сиздай бедорларим!
Соғ бўлсин деб бутун олам,
халқу башар,
Юз минг лашкар бошлаб қирар
юз минг аскар!
Юз минг лашкар жангга қирар.
Юз минг лашкар!

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

2020 йил 29-30 март.

БУ ИМТИЁЗЛАР — БИЗ УЧУН КАТТА МАДАД

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги амалий чора-тадбирлар кенг тус олиб, турли соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш, хусусан, ойлик маошларини ошириш, устамалар тўлаш каби раббатлантириш амалиётлари қўллаб келинмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган кам даромадли оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чоралар кўриляпти.

Дил сўзи

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони халқимиз томонидан кўтаринки руҳда қутиб олинди. Ушбу муҳим ҳужжат дунёда коронавирис инфекцияси билан боғлиқ мураккаб эпидемиологик шароитда аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш, иқтисодийётнинг муҳим тармоқлари бар-

қарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Фармонда коронавирис таъсири энг юқори бўлган иқтисодийёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга бўлган даврда ақка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммасини базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар қамайтирилиши жуда катта энгиллик бўлди.

Ўзимдан қиёс: ўтган йили баҳорда 100 миллион сўм миқдоридидаги банк кредити ҳисобига Хива шаҳрида меҳмон уйи ташкил қилиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган эдик. Карантин муносабати билан хориждан сайёҳларнинг юртимизга кириб келишига чеклов ўрнатилди, "Ичан қалъа" мажмуаси ҳам вақтинча ўз фаолиятини тўхтатди. Ана шундай қийин шароитда солиқ тўловлари ва банк кредитларини қоплаш бўйича берилаётган энгилликлар тадбиркорларни касодга учрашдан сақлаб қолади.

Ва энг муҳими, халқимиз бу синовни ҳам енгиб ўтади, иқтисодийётимиз янада ривож топади, юртимизда байрамлар, тантаналар давом этади.

Шухрат МАТКАРИМОВ,
Хива шаҳридаги
«GRAND EAST STAR KHIVA»
оилавий корхонаси раҳбари.

«Туронбанк»:

ОИЛА ТАДБИРКОР БЎЛСА, РЎЗБОРДА БАРАКА БЎЛАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бизнес гоиларини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш борасида салмоқли ишлар бажарилляпти. Бу эса ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ривожига, хотин-қизлар ва ёш тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Молия муассасаларида

Айниқса, қорвачилик соҳасида замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда турларини кенгайтириш, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон қорва маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш бўйича туб бурилишлар амалга оширилди.

Бу борада аҳолига қулай бизнес шaroити ва қатор имтиёзлар тақдим этилаётгани юқас самара бераётир. Мамлакатимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланаётган инсонлардан бири — Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумана-



Амалга оширилган ишлар натижасида, айни пайтда фермер ҳўжалигида йилига 1,5 минг тонна сут ва 10 тонна гўшт маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили 100 бошга яқин зотли мол насличили корхоналарига сотилляпти.

Тўрисиини айтганда, шу заминга меҳр қўйган, меҳнатдан қочмаган инсон кам бўлмайди, — дейди "UXUD" фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳриддин Мамадалиев. — Ишлайман, деган одамни давлатимиз банк кредити билан қўллаяпти, раббатлантиряпти. Қорва ҳўжалигини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор қучайтириляётгани тўғрйли ўз имкониятларимиздан унумли фойдаланяпмиз, бу эса нафақат оиламиз даромадининг ошишига, балки бозор тўқинлиги ва эл-юрт фаровонлигига ҳам хисса бўлиб қўшилмоқда.

Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, ўтган 2019 йилда амалга оширилган лойиҳалар доирасида мамлакатимизга чет давлатлардан 145 минг бошдан зиёд қорамоллар (шундан, 30 минг бош насли), 217 минг бошдан ортиқ қўй ва эчкилар олиб келинган. Ушбу қорва ҳайвонларининг бир қисми

аҳоли дастурхонларига гўшт маҳсулотлари сифатида тақдим этилган бўлса, қолган қисми фермер ҳўжаликларида парваришланиб, қўпайтирилмоқда. Шу ўринда қўшимча қилиш лозим, ўтган 2018-2019 йиллар давмида "Туронбанк" орқали Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида Ўзбекистон Республикасида қорвачилик тармоғини ривожлантириш дастури бўйича 22 та лойиҳага 11,5 миллион АҚШ доллари миқдориди кредитлар ажратган.

Хулоса ўрнида айтганда, юртимизда аҳоли тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағлари эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун барча ҳуқуқий асос яратилган. Ўз навбатида, ишбилармонлик, оилавий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар шаҳару қишлоқларимиз, кўча ҳамда маҳаллаларимиз киёфасини тубдан ўзгартириш билан бирга, одамларнинг дунёқараши, кайфияти, мақсад, орзу ва ўйларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хизматлар лицензияланган.



БОЗОРЛАРДА МАҲСУЛОТЛАР ТАНҚИСЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ўтган йилда вилоятнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун мўлжалланган экин майдонларидан 1 миллион 330 минг 970 тонна сабзавот, 80 минг 359 тонна полиз, 253 минг 248 тонна мева, 102 минг 821 тонна узум ва 1 миллион 414 минг 21 тонна бошқа турли хил маҳсулотлар ҳосили йиғиб-териб олинди.

Қолаверса, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг куз ойларида 45 минг тонналик захира маҳсулотлар жамғарилган. Шу кунгача унинг, бор-йўғи, 10 минг тоннаси бозор расталарига чиқарилди, ҳолос. Қйбрай, Зангиота, Янгйўл ва Тошкент туманларидаги мавжуд иссиқхоналардан йиғиштириб олинаётган турли хил витаминларга бой сабзавот маҳсулотлари аҳоли дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Жойларда аҳолининг талабига кўра, кунлик истеъмол учун зарур бўлган озиқ-овқатлар, жумладан, сабзавот-полиз маҳсулотлари бозор расталарига пешма-пеш етказиб берилляпти. Бундай тизимли ишлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилмоқда.

Хусусан, куни кеча Фаргона вилоятининг Фаргона, Маргилон

шаҳарлари бозорларига 70 тонна сара картошка арзон нархларда сотувга чиқарилди.

Урганч шаҳар марказий деҳқон бозоридида икки мингдан кўп тадбиркорлар фаолият юритади. Айни кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошди, деган гап-сўзлар мутлақо асоссиз. Кундалик эҳтиёж молларини истаганча харид қилиш мумкин. Барча расталар маҳсулотларга тўла. Фуқароларимиз ҳам бугунги вазиятни тўғри тушуниб, савдода одамлар манфаати, хусусан, уларни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган сай-ҳаракатлар самарасидир.

Булларнинг барчаси юртимизда одамлар манфаати, хусусан, уларни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган сай-ҳаракатлар самарасидир.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 140 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳаси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқлов 71-232-11-15.

ISSN 2010-8784

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.

Гезетанинг эътибори берилиши учун оубуни расмийлантирган ташкилот жавобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 00.50

1 2 3 4 5 6